АХЛОҚИЙ ВОРИСЛИК – ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, ТАРИХИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

НРАВСТВЕННАЯ ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ - КАК СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ, ИСТОРИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН

MORAL CONTINUITY IS AS SOCIAL-PHILOSOPHICAL, HISTORICAL PHENOMENON

Matlyuba QAHHOROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy, professor at the chair of Social-humanitar sciences. m.qaxxarova@iiau.uz11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

Mavluda RAXIMSHIKOVA,
SOUTH KAZAKHSTAN STATE UNIVERSITY NAMED AFTER M.AUEZOV
doctor of philosophy, dosent at the chair of cultural studies. South Kazakhstan State University, prosp. Tauke Khan 5, Shymkent 160012, Kazakhstan

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/11

Аннотация: Мазкур мақолада фалсафий қонуниятлардан бири ворисликнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг хулқ-одоб қадриятларини шакллантиришдаги ўрни ва роли тадқиқ этилган. Ижтимоий тараққиёт ва ворислик қонунияти, ворисликка қонуниятига кўра диалектик ҳамда синергетик ривожланиш масалалари ёритилган. Ворисликнинг асосий турларидан бири ахлоқий қадриятлар ворислиги, унинг мазмун-моҳияти, ривожланиш қонуниятлари ҳамда замонавий жамият ҳаётидаги аҳамияти маънавий-ахлоқий мерос асосида таҳлил қилинган. Мақолада диалектик, синергетик, тарихий-маданий таҳлил, ворисийлик, фанлараро ёндашув, анализ, синтез ҳамда этнопедагогик усуллардан фойдаланилган.

Шунингдек, ахлоқшунослик (этика) категориялари, унинг мезоний тушунчалари, ахлоқий принциплар, ахлоқий норма ва меъёрлар, хулқ, одоб, ахлоқ тушунчаларининг нисбати, уларнинг мазмун моҳияти ва ахлоқий қадриятларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ворислик қонунияти асосида очиб берилган. Ворисликнинг позитив ва негатив жиҳатлари, уларнинг авлоддан-авлодга ўтиб бориши натижасида жамият муҳитининг шаклланиши ва унинг маънавий қиёфасининг намоён бўлиш тенденциялари таҳлил этилиб қиёсий таҳлил этилган. Мақолада келтирилган натижалар асосида ворислик категориясининг тарихий жиҳатдан объектив, реал идрок этиш, унга назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ёндошиш, жамиятда рўй бераётган воқеликни оқилона англашга имкон яратиши асосланган. Муаллиф ахлоқий тараққиётининг негизида ҳам ворислик қонунияти ётишиамалий мисоллар билан изоҳлаб берган. Шу билан бирга,

унда хулқ-одоб қадриятлари борасидаги ворислик (инсон ахлоқий камолоти) аждодлар яратган маданиятни, маънавиятни ўрганиш, инновацияларни ривожлантириш, ҳаётга татбиқ этишдаги узвийликни ташкил этиши, авлодлар ўтмиш меросини маълум қонуниятлар асосида қабул қилиши ва ўзидан кейинги авлодларга узатиши жараёнлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *ворислик, хулқ-одоб, ахлоқ, ахлоқий қадриятлар, ахлоқий ворислик, ахлоқий мерос, ахлоқий онг, ахлоқий маданият.*

Аннотация: Целью статьи является исследование специфических аспектов закономерности преемственности, ее места и роли в формировании нравственных ценностей и общественном развитии, а также определение важности преемственности нравственных ценностей в жизни современного общества на основе духовно-нравственного наследия. Освещаются вопросы общественного развития и преемственности, диалектического и синергетического развития по наследственному праву. Одним из основных видов наследования является наследование моральных ценностей, на основе духовно-нравственного наследия анализируются его сущность, закономерности развития и значение в жизни современного общества.

В статье используются диалектический, синергетический, историко-культурный анализ, междисциплинарный подход, методы анализа исинтеза, этнопедагогический методы.

В статье раскрывается сущность содержания морали, категории нравственности и значение моральных ценностей в жизни общества на основе законамерности преемственности. Также на основе закона наследования раскрываются категории этики, ее критерии, этические принципы, моральные нормы и нормы, соотношение понятий поведения, этикета, морали, сущность их содержания и значение моральных ценностей в обществе. Анализируются и сравниваются положительные и отрицательные аспекты наследования, формирования социальной среды в результате их передачи из поколения в поколение и тенденции проявления ее духовного образа.

Исторически правильное восприятие преемственности, теоретически и практически правильный подход к ней основываются на том, что это позволяет рационально осмыслить имеющие место в обществе реальные явления и события. В статье также объясняется, что в основе нравственного развития лежит преемственность, наследование моральных ценностей, изучение родовой культуры, духовности, развитие нововведений, интеграция ихв жизнь, принятие прошлого наследия по определённым законам и передача будущим поколениям. В заключение отмечается, что преемственность - это социально-философский, исторический феномен национальной цивилизации, а также важность позитивной преемственности наследия предков и его правильное осмысление для формирования нравственности новой эпохи сегодня.

Ключевые слова: *преемственность, нравственность, мораль, нравственные ценности, нравственная преемственность, нравственное наследие, нравственное сознание, нравственная культура.*

Abstract: The purpose of the article is to study specific aspects of the pattern of continuity, its place and role in the formation of moral values and social development, as well as to determine the importance of the continuity of moral values in the life of modern society based on spiritual and moral heritage. The issues of social development and continuity, dialectical and synergetic development according to inheritance law are covered. One of the main types of inheritance is the inheritance of moral values; on the basis of the spiritual and moral heritage, its essence, patterns of development and significance in the life of modern society are analyzed.

The article reveals the essence of the content of morality, the category of morality, and the importance of moral values in the life of society based on the law of continuity. The historically correct perception of continuity, the theoretically and practically correct approach to it, is based on the fact that this allows one to rationally comprehend the real phenomena and events taking place in society. The article also explains that moral development is based on continuity, an inheritance of moral values, the study of tribal culture, spirituality, the development of innovations, their integration into life, the adoption of the past heritage according to certain laws, and transmission to future generations. In conclusion, it is noted that continuity is a socio-philosophical, historical phenomenon of national civilization, as well as the importance of positive continuity of the heritage of ancestors and its correct understanding for the formation of the morality of a new era today.

Key words: *continuity, morality, morality, moral values, moral continuity, moral heritage, ethics, moral consciousness, ethical culture.*

КИРИШ

Ҳар бир миллат ўз тарихий тажрибаси, менталитети, маданияти асосида мустақил тараққиёт йўлларини белгилайди. Шунга асосланган ҳолда ахлоқий қоидалар, тартиблар ҳамда ўзига хос ва мос ривожланиш учун замин тайёрлайди. Бундай муносабат муайян муҳитдаги одамлар жамоасини умумэътироф этилган ахлоқий қадриятлар негизида яшашига хизмат қилади ва ворисийлик асосида эркинлик, адолат, эзгулик ва ахлоқий қадриятларнинг ўзига хос тизимини яратади. Яъни, муайян хулқ-одоб қадриятларига асосланган ахлоқ жамият ривожининг муҳим омили сифатида ўз ифодасини топади. Ахлоқнинг ижтимоий тараққиётга таъсири, жамият маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришдаги ўрни ва роли, ҳамда шахс маънавий камолотида ахлоқийлик муаммосини (Kakhharova, M. (2018); Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019); Qaxxarova, M., Absattorov, B. M. (2020)) тадқиқ этган.

Ақлий заковат, руҳий маънавий камолот, инсофу диёнат, мурувват, меҳр-оқибат каби инсонларнинг энг асосий ахлоқий сифатларига эгалик,фазилатларга эришиш ва уларни амалда ўзлаштиришда ворислик қонунияти муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий, ахлоқий, диний мероси ҳам ворислик қонуниятига кўра бизларгача етиб келган ва ворисликнинг ижобийлик ҳолатига кўра маънавий устунликка эришишимизда ҳам амал қилмоқда.

Инсон зотини енгилмас кучи сифатида эътироф этилувчи ирода ва ахлоқий қувват манбаи бўлмиш маънавиятни очувчи ва тўлдирувчи омил аввало, инсоннинг хулқ-одоби, ахлоқий ҳатти-ҳаракати ва кишиларнинг ўзаро инсоний муносабати мажмуидир.

Хулқ-одоб ҳар қандай жамиятда ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида ворисийликнинг ижобий жиҳатларни қамраб олади.

Ҳозирда ҳам имон-эътиқод, ватанга муҳаббат, адолат меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, янгиликка интилиш ва бунёдкорлик каби хулқ-одоб қадриятлари нафақат мамлакатимизнинг балки инсониятнинг келажагини белгилаб беради. Бу масалани англаб олишда ворислик қонуниятининг тутган ўрни ва ролига оқилона ёндашув талаб этилади.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Бугунги кунда инсониятнинг маънавий мероси фалсафа илмини, хусусан Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда бой ўтмишимиз маданиятини ва қадриятларимизни жонлаштириш, яқин ўтмишнинг мафкуравий иллатларидан халос бўлиш, аждодларимиз қолдирган миллий ахлоқий меросни ва тафаккур тараққиётини қайта тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитишдир.

МЕТОДЛАР

Ахлоқий ворислик хулқ-одоб қадриятларини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида ҳаётий талаб, ижтимоий заруратлигича кун тартибининг устувор масаласи сифатида турибди. Тарихга эътибор берсак, азалдан шарқда инсонни жамият учун фойдали қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинди. Айниқса, кишиларнинг хулқ-одобини шакллантириш учун барча тарбия воситалари сафарбар этилган. Шунинг учун хулқ-одоб қадрият даражасига кўтарилиб авлоддан-авлодга ворислик қонуниятлари асосида ўтиб келган ва келмоқда. Ўз даврида хулқнинг жамият ҳаётидаги ўрнини юксак баҳолаган мутафаккир олим Абдулла Авлоний унга таъриф бериб қуйидагиларни ёзади: “Хулқ ҳар нарсадан мураккабдир. Бири жасад, иккинчиси нафсдирки. Жасад нафси ила бор нарсаларни кўрур. Аммонафсидрок ила яхшиниёмондин, оқниқораданайирур. Жасаднингҳам, нафснингҳамбирорсуратибордурки, ё яхши, ё ёмонбўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадирки, ҳар вақт кўзга кўриниб туради, аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдиган, ақл ила ўлчанадирғон бир нарсадирки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак бефойдадир”(Avloniy A., 1992: 11).

Шу маънода хулқ-одоб қадриятларининг эгалланиши, инсон амалий фаолиятида уларга амал қилиши хулқ-одобнинг асосий моҳиятини ташкил қилади. Яхши хулқ-одобнинг хаётийлиги эса, унинг хусусиятлари ва меъёрлари кишилар хатти-ҳаракатида, ижтимоий фаолиятида белгиланиб, даврга мувофиқлаштириб турилади. Инсон хулқ-одоб фазилатларининг моҳияти мазмуни, намоён бўлиш ва шаклланиш хусусиятларига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг бир қисми шахснинг бевосита муносабат, муомала ва мулоқатида намоён бўлади. Жумладан, хулқ-одоб-инсон муносабатларини ички ва ташқи жиҳатдан характерловчи, муайян жамият аъзоларининг турли муносабатларидаги шаклланганлик даражаларини белгиловчи фалсафий категория эканлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Хулқ-одоб инсоннинг ўз ҳаёти ва фаолияти давомида бўладиган шаклланганлик даражаларини аниқловчи умумий категория бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида жамият томонидан меъёрга солиб турилади. Ахлоқ турли конкрет тарихий шароитларда, турли мамлакатда ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Яъни, инсоннинг ўз борлигини англаши унинг маънавий эҳтиёжларини кенгайтирган бўлса, мавжудлигини сақлаш ҳамда кафолатлаш эҳтиёжи эса, инсоннинг моддий оламини ривожлантирган. Шу тариқа инсон бу талабларнинг уйғунлигини ахлоқий мезон билан таъминлашга ҳаракат қилган. Аммо, эҳтиёжлар ўсиши билан ахлоқий қадриятлар ҳам ўзгариб келган. Жумладан, Аристотель: «Табиат инсонга интеллектуал ва ахлоқий кучни берган, аммо у, бу қуролдан тескари томонга ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ахлоқий кафолатларсиз бўлган инсон энг муртад ва ёввойи мавжудотдир” (Аристотель.,1983:467).

Хулқ-одоб муайян жамиятда тарихан таркиб топади ва у ижтимоий тараққиёт ва шахс камолотига хизмат қилади. Бошқача айтганда, яхши хулқ-одоб мазмун моҳиятига кўра инсон одобининг, аниқроғи, инсон ахлоқий комиллигининг ўзига хос амалий

ифодаси ҳисобланади. Бироқ жамиятда қарор топган ёки анъанага айланган ҳар қандай хулқ-одоб ҳам ижтимоий тараққиёт ва шахс камолотига хизмат қилавермайди. Шу нарса диққатга сазоворки, ҳам ижобий, ҳам салбий хулқ-одоб ворислик асосида авлоддан-авлодга ўтиб келаверади. Салбий хулқ-одоблардан кечиш учун жиддий тарбия, интизом, яхшиликка, эзгуликка интилиш нафақат интилиш балки, амалий фаолиятда ибрат ва намуна бўлиб, хулқ-одоб маданиятига риоя қилишни тақозо этади. Ваҳоланки, "хулқ-одоб маданияти бу шахснинг муомала ва ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида умуминсоний ахлоқнинг қоида, дастур, талаблари, чегаралаш ва таъқиқлашларига асосланадиган муносабатдир" (Yo'ldoshev M.,1999: 26).

Демак, ҳар бир шахсда хулқ-одоб маданияти ўсган сари унинг ижобий томонлари қадриятга айланиб бораверади. Хулқ-одоб қадриятлари кишилар тарихий турмуш жараёнида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзида билим, баҳо, тарбия каби сифатларни мужассам қилган жамиятда қарор топган ижтимоий муносабатларни ташкиллаштиришга, барқарорлаштиришга, комил инсонни шакллантиришга ҳамда янги авлод турмуш тарзига ушбу муносабат ва сифатларни сингдиришга уларни жамият ҳаётига ижтимоий мослашувига хизмат қилувчи социал ҳодисадир. Мазкур жараённинг энг муҳим омилларидан бири ворислик асосида шаклланади, ривожланади амалиётда ўз ўрнини топади.

Хулқ-одоб қадриятлари борасидаги ворислик аждодлар яратган маданиятни, маънавиятни ўрганиш, инновацияларни ривожлантириш, ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Хулқ-одоб қадриятлари инсоният тараққиётида бир-бирига занжирдай боғланган авлодлар ворислигидан иборат. Авлодлар ўтмиш меросини маълум қонуниятлар асосида қабул қилади ва ўзидан кейинги авлодларга узатади. Хулқ-одоб қадриятлари ворислиги ҳам ана шу қонуниятларга бўйсунади. Инсон тафаккури, ахлоқий тараққиётининг негизида ҳам ворислик қонуни ётади. Ахлоқдаги ворислик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у бир-бири билан боғлиқ йўналишларда кўринади.

Хулқ-одоб қадриятларидаги ворислик ўз қонуниятларига кўра мавжуд бўлади. Бунда ўтмиш меросини мутлоқ идеаллаштириш ёки уни бутунлай қоралаш ворислик қонуниятининг бузилишига олиб келади. Ворислик қонуниятини менсимаслик халқнинг маданий-маънавий камолоти, имкониятларининг чекланишига, тор миллий қобиққа ўралиб, қолоқлик ботқоғига ботиб кетишга олиб келади.

Албатта, хулқ-одоб қадриятларининг барча тарихий даврлар учун умумий бўлган мезонлари ҳам бор. Ахлоқий қадриятлар, концепциялар кўринишида ифодаланган дунёни ўзлаштириш усулидир (Matlyuba Q., Absattarov B., 2020:1-110). Даврлар ўтиши билан ахлоқий фазилатларнинг муайян кўринишларига бўлган муносабатлар ҳам ўзгариб туради. Янги тарихий шароитда яшаб туриб узоқ ўтган даврлардаги ахлоқ нормаларини идеаллаштириш, уларни маънавий камолотни ягона мезони деб қараш ҳам ўз ўрнида хатоликларни келтириб чиқаради.

Жамиятимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ўзгаришлар, инновацион жамиятнинг муҳим хусусиятларидан бири шахс руҳиятида инновацион муҳитнинг шаклланиши билан намоён бўлмоқда. Олимларнинг фикрича,(Петров Р.С., Санников Т.Д., 2011:84-88) жамиятда инновацион муҳитнинг юзага келиши инновацион фаолиятнинг ривожланиши, янгича қадриятлар тизимининг шаклланиши, шунингдек, оммавий инновацион маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатиб, инновациялар тараққиётида жамиятда шаклланаётган инновацион муҳит ва инноввацион маданият муҳим роль ўйнайди. Ваҳоланки, инновацион маданият моҳиятига кўра инновацион ҳатти-ҳаракатларнинг структурасини, моделини ва алгоритмини ташкил этгани ҳолда аниқ бир жамиятга мослашган бўлиши зарур. Чунки у инновацион хулқни тартибга солиб турувчи омил ҳисобланади. Демак, инновацион маданиятнинг шаклланиши натижасида шахсда хулқ-атвор моделларини танлай олиш, соҳага оид қадриятларни акс эттирувчи онгнинг шаклланишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, инновацион жараённи ташкил этишнинг ахлоқий асослари ривожлантирилади. Файласуф олим Б.Бессоновнинг таъвидлашича, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масофасининг замондаги чегаралари жамоавийлик хос бўлган анъанавий жамиятларда деярли бир авлоднинг ёшига, яъни 25-30 йилга тенг бўлган. Аммо бу ҳолат ҳозирга келиб кескин ўзгарган. "Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги тез ўзгариб бораётган дунёда 10-12 йилга фарқ қилувчи ёшдаги кишиларни ҳар хил авлодларга тегишли, деб ҳисоблаш мумкин, улар шунчалик бир-бирига ўхшамайдиган, ўзгараётган шароитларда шаклланмоқдалар. Агар аввал авлодларнинг жисмоний алмашинуви ҳаётнинг ўзгариб бориши суръатлари билан мос тушган бўлса, ҳозирда эса бундай ўзгаришлар жадаллашуви кишиларнинг уларга мослашиб бориши тезлигидан ўзиб кетди". (Бессонов Б.Н., 2006:186).

Ворислик қонуниятига кўра кириб келаётган янгиликлар танловини тўғри амалга ошириши,

бу жараёнларда юзага келиши мумкин бўлган бир қатор иллатларнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бундай танловнинг механизмлари ва усулларини ҳар бир жамият ўзининг миллий маданий, аксиологик ва ахлоқий контекстида танлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, "ахлоқ соҳасидаги модернизация жараёни баъзан кутилмаган оқибатларга олиб келиши сир эмас. Шу сабабли ҳам янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган мамлакатлар унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг тубдан ўзгаришига, миллий руҳга таянган маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг трансформациясига учраш ҳодисасига тайёр бўлиши зарурлиги модернизациянинг ўз объектлари олдига қўядиган талабидир" (Yuldasheva F.X., 2014. № 4. 39).

Жамиятга кириб келаётган хар бир новация ва инновациялар миллий қадриятларга путур етказмаса, асрлар давомида шаклланган миллий ахлоқий меъёрларни издан чиқармаса, жамиятда миллий қадриятларнинг кескин трансформациясига олиб келмаса, уларни жамият ва миллий тараққиётга хизмат қилувчи прогрессив инновациялар сифатида эътироф қилиш мумкин. Янгича фикрлар заминида ўтмиш қадриятлари, жумладан халқнинг ахлоқ-одоб борасидаги қадриятлари янгича талқин этилади, ривожлантирилади. Давр талабига мос келган хулқ-одоб борасидаги қадриятлар кишилар онгига таъсир қилади ва жамият, инсоният тараққиёти учун хизмат қилади. Бундай ворислик жамият тараққиётига ахлоқий қадриятлар боғлиқлигини, алоқалар узлуксиз эканлигини кўрсатади. Ворислик туфайлигина ахлоқ ва одоб борасидаги қадриятлар такомиллашади, ривожланади. Ҳозирги тараққиётимизга руҳий асос бўлган янгича ахлоқ тизимининг илдизлари ҳам узоқ ўтмишда яратилган маънавий ахлоқий қадриятлардан иборатдир. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган ахлоқ ва одоб мезонларини ҳам кўр-кўрона қабул қилиб, минг йиллар олдин қандай бўлган бўлса, шундайлигича ҳаётга жорий қилиб бўлмайди. Масалан, Беҳбудий «Бизни кемиргувчи иллатлар» мақоласида: «Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қолармиш. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, пайғамбари акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмум ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишға кетмоқға ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзига ва ўзимизни нафъимизға амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташқарими, Худо учун сўйлангиз. Бизнима?! деган эди. Унинг қарашларида жамият муаммоларидан бири ворисликнинг негатив жиҳатларидан бири бўлмиш диний қадриятларимизга амал қилмай, маиший эҳтиёжларимизни қондирмоқ учун турли тадбирларни жорий этишимиз, нафсимизга нимаики мақбул бўлса, ўша нарсани «қадрият» ёки «урф-одат» сифатида оммавийлаштиришиз яққол акс этган(Behbudiy M., 1999:190).

Ахлоқ ва одоб борасидаги миллий мерос янги давр руҳи, эҳтиёжлари, имкониятлари билан мутаносиб равишда ривожлангандагина қадрият даражасига кўтарилади. Ҳар бир жаҳон цивилизацияси яратган умуминсоний қадриятлар ўз замонасида ўз даври руҳига, эҳтиёжларига мос келган маънавий мезонлар билан ўлчанади. Халқнинг маданий меросини сақлаш, ундан инсонлар манфаати, жамият тараққиёти йўлида кенг фойдаланиш мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бу ўринда ўтмиш меросини менсимаслик ёки уни идеаллаштириш хатодир. Ўтмиш маданий меросни ахлоқ ва одоб борасидаги қадриятларни идеаллаштириш миллий худбинлик ва калондимоғликка олиб келади. Уларни менсимаслик эса халқнинг маданий-маънавий камолоти имкониятларини чеклаб қўяди. Ўз маданий меросини билган ва ҳурмат қилган шахс бошқа халқларнинг ҳам миллий маънавий қадриятларини билади, ҳурмат қилади.

Унда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва ундаги ҳар бир элемент (миллий, умуминсоний, диний, илмий, ахлоқий) фақат бошқа элементлар билан алоқага киришгандагина муайян мазмун касб этади.

Миллатнинг маданий мероси турли даврларда турлича имкониятлар ва эҳтиёжлар асосида шаклланади. Уларни бошқа шароитларга кўр-кўрона татбиқ этишга уриниш ҳам ноўриндир. Миллий маданий мероснинг ҳар қандай шакли ҳам қадрият даражасига кўтарила олмайди. Ҳар қандай мерос янги давр руҳи ва хусусиятларини ўзида тўла мужассамлаштириб ҳаётга сингади ва ривожланади. Ривожланиш имкониятларига эга бўлган ҳар даврда ўзига хос қиёфада намоён бўладиган меросгина миллий қадрият ҳисобланади. Миллий уйғониш миллий худбинлик ва калондимоғликка қарши ўлароқ миллатнинг маданий меросига қироатхонларча ёндашиш, ўтмишни кўр-кўрона идеаллаштиришга ҳам бутунлай қарама-қаршидир. Ҳар бир миллат маънавий камолотини бошқалардан ажратишга ҳаракат қилса, ўз тараққиёти имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Маънавият соҳасида ўзини бошқалардан устун қўйишга интилган миллат ўз тараққиёти имкониятларини ҳам чеклаб, чегаралаб қўйган бўлади

Аждодларимиз меросида анъаналарга содиқлик ворисликнинг муҳим белгисидир. Ворислик ўтмишдан мерос бўлиб қолган. ‘’Ворис’’ сўзи давом эттирувчи маъносини беради. ‘’Ворислик’’ – жамият тараққиёти жараёнида янгилик билан эскилик ўртасидаги зарурий алоқа бўлиб, инкорниинкор қонунининг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. ‘’Ворислик тушунчаси ҳодисаларнинг объектив алоқасини, ўтмиш, ҳозирги ва келгуси ҳодисаларнинг зарурий боғлиқлигини ифода этувчи умумфалсафий тушунчадир’’ (Falsafa., 2004: 76).

Ворислик ўтмиш меросига таяниб тараққиётни юксак босқичга кўтариш, тараққиётдаги узлуксиз алоқа ва боғланишни таъминлашдир. Борлиқ ҳаракати формаларининг генезиси шуни кўрсатадики, тараққиётнинг ҳар бир юқорироқ босқичи қуйи босқич билан ‘’ворисларча’’ алоқадор бўлганида аввалини инкор қилмайди, балки унинг ёрдамида мазмунан бойийди, тараққий этади. Инкор ўзининг моҳият-эътибори билан фақат эскиликни тугатишни эмас, балки олдинги босқичларда қўлга киритган илғор ижобий ютуқларни сақлаб, янада ривожлантиришни назарда тутади. Бусиз олдинга ҳаракат қилиб бўлмайди. Ворислик жараёнларини тўғри тушуниш фаннинг, маданият, маърифатнинг қонунларини таҳлил қилиш, ўтмишга тўғри муносабатда бўлиш, имконини яратади. Ворисликнинг моҳияти ниҳоятда терандир, у чуқур ижтимоий ҳодисалиги билан эътиборни тортади. ‘’Ворислик’’-бу мураккаб, кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, қарама-қаршиликлар қонунига асосан жамият томонидан эришилган ютуқларни, тараққиётини ўзлаштириб, сингдириб олинган ҳодиса воқеаларни ‘’мерос’’га айлантириш ва уларни янги пайдо бўлган жамиятнинг ижтимоий тараққиёти даврида ўтиб кетаётган ва якунига етган даврнинг барча ютуқлари ва камчиликларидан оқилона фойдаланишдир.

Ворислик умумжамият билимлари, жумладан фалсафа, тарих социология ҳамда маданият муаммоларини ўрганадиган мутахассисларнинг илмий анализ қилиш шаклидир. Шу сабабдан ҳам ворислик муаммоси қатор ижтимоий фанлар ўрганадиган объект ҳисобланади.

Ворислик ўтмиш мероси ва янгилик ўртасидаги объектив алоқадорликдир. Ривожланиш эскининг ўрнида янгининг пайдо бўлиши экан, ворислик босқичларида ижтимоий, маънавий ҳаётда тўпланган барча ижобий томонларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш асосида амалга оширилади. Бусиз ҳеч қандай жамиятда олға томон силжиш бўлмайди. Ворислик жараёнини тўғри тушуниш фан, санъат ривожланиши қонунларини ўрганишда, маданий меросга нигилистик қарашга чек қўйишда катта аҳамиятга эга.

Ворислик ривожланиш босқичлари ўртасида алоқадорликнинг белгисидир. Зеро ‘’Ворислик... табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиши жараёнида эскилик ва янгилик ўртасидаги қонуний алоқа сифатида кўринади’’ (Ismoilov F.Y., 1996: 17). Бунинг моҳияти бир бутунлик бўлган системанинг ўзгаришида унинг айрим элементлари, томонлари, боғланишлари сақланиб қолиши демакдир. Ворислик ҳозирги куннинг ўтмиш ва келажак алоқадорлигини, боғлиқлигини белгилаш орқали янгининг барқарорлигини таъминлайди.

Ахлоқ соҳасидаги ворислик ўзига хос хусусиятларга эга. Инсон ахлоқи, одоби борлиқ инъикосидир. Лекин бу инъикос қудратли куч бўлиб борлиқни ўзлаштиришга қодир. Шунинг учун борлиқ, тафаккур ва ахлоқнинг моҳиятини, ўзаро таъсирини ва ривожланиш қонунларини ўрганишда уларнинг ўзаро мантиқан узвий боғлиқлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Ворислик ахлоқ ривожланишида бир-бири билан боғланган вертикал ва горизонтал йўланишларга эга. Горизонтал аспекти бир вақтнинг оралиғида, яъни бир тарихий давр доирасида миллатлараро муносабатлар асосида шаклланадиган ворисликдир. Масалан, ахлоқ соҳасидаги бирлаштирувчанлик жараёнидаги илмий-назарий ворислик. Бундай ворисли кўз ижобий натижаларини тарих тажрибасида берганлиги маълум. Ахлоқ ривожланишидаги ворисликнинг вертикал йўналиши турли тарихий даврларда яратилган тафаккур мевалари, ахлоқий қадриятлар ўртасидаги боғланишни, узлуксизликни ифодалайди

Хулқ-одоб қадриятлари борасидаги ворислик аждодлар яратган маданиятни, маънавиятни ўрганиш, ривожлантириш, ҳаётга жорий этиш демакдир. Бу ворислик инсоният цивилизациясининг асосий шартидир.

Агар ижтимоий муносабатлар ахлоқий қадриятлар тизимига номувофиқ тарзда олиб борилса, жамият маънан инқирозга юз тутади, давлат бошқарувида парокандалик ҳукмронлик қилади. Кишилик жамиятининг бундай қонуниятлари ўз моҳиятига кўра ҳеч бир даврда ўзгарган эмас, аксинча оддийликдан мураккабликка қараб борган. Шарқ фалсафаси ва Ислом таълимоти билан узвий равишда ривожланиб келган ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар халқимиз даҳосидан бахра олиб бойиб борган. Кўриниб турибдики, мана шу тарихий даврларда маънавий қадриятлар бирининг ўрнини иккинчиси эгаллаши, тўлдириши, бойитиши, ривожлантириши, яъни эскини умуман инкор қилмай, балки унинг кераксиз бўлиб қолган

жиҳатларидан воз кечиб, янги тараққиётга имкон яратиб келди.

Европа уйғониш даври сиёсат ва ахлоқ муаммолари борасида улкан илмий ва маданий меросини яратган. Масалан, Гоббснинг индивид ва ўз-ўзини сақлаш таълимоти, Локкнинг маърифат ва тенглик борасида яратган назарияси, индивид ҳуқуқлари масаласи, Монтескьенинг ҳокимиятларнинг бўлиниши ғоялари, Руссо, Бальзак, Дидронинг «Маърифатчилик фалсафаси», Юм, Ницше ва Кантиинг «Ахлоқ фалсафаси» (Falsafatarixi., 2002). Шунингдек, Фрейднинг «Психоанализ»и, XX асрдан «Неокантчилик фалсафаси», Шопенгауэрнинг «Ирода фалсафаси», Освальд Шпенглернинг «Тарих фалсафаси», Анри Бергсоннинг «Ҳаёт фалсафаси», Экзистенциализм таълимоти, фрейдизм ва неофрейдизмнинг инсон масаласи, Герменевтика каби фалсафий дунёқараш ва бошқа шу каби йўналишлар Европа дунёсининг ахлоқий-маънавий ҳаётини тубдан ўзгартиришга олиб келди (Yangi va eng yangi g‘arbiy Yevropa falsafasi., 2002).

Қадриятлар тизимидан кенг ўрин эгаллаган хулқ-одоб қадриятлари янги авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, яъни аждодларимиз доно фикрларига уйғунлашган ҳолда ворисийлик давом этмоқда. Келажаги буюк давлатимиз учун ана шу қадриятларни ўрганиш муҳимдир. Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ҳусайин Воиз Кошифий, Амур Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари ўртага қўйган ахлоқий қадриятлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Демак, аждодлар меросини ўрганиш, тадқиқ этиш таълим тарбияни ривожлантириш маърифатга интилиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Хулқ-одоб қадриятлари борасидаги ворислик моддийлик қадриятларидан фарқ қилади. Моддийлик қадриятларда эскилик ўрнини янгилик эгаллаганда эскиликни сиқиб чиқармайди, балки маданий мероснинг таркибий қисмига айланиб қолади. Эски замондан қолган деб масжидлар, мадрасаларни бузиш маънавий тубанлик ҳисобланади. Маънавий қадриятларга ворислик борасида бошқача ёндашилади. Бу ўринда эскини янгилаш, бойитиш масаласи кун тартибига қўйилади. Ахлоқ-одоб мезонлари янги давр талаб ва эҳтиёжларига мослаштирилади. Ҳар бир янги авлод аждодлардан мерос бўлиб қолган маънавий меросларни бойитади, уларни янги қирраларини кашф этади, ўзгартиришлар киритади ва янги бойитилган мазмун билан келажак авлодга мерос қилиб қолдиради. Аждодлардан қолган меросларни авлодлар бойитиши учун янги имкониятлар яратади. Халқимиз узоқ йиллар давомида тўплаган тажриба моддий ва маънавий меросларимиз, қадриятларимиздир. Уларнинг ижобий томонлари асрлар давомида синовдан ўтиб маънавий бойликка айланди ва айланмоқда. Узоқ ўтмишда пайдо бўлган мероснинг тикланиши кейинги авлодлар учун янгилик ҳисобланади. Беруний таъкидлаганидек: ‘’Ҳар бир янги нарсада лаззат бор’’.Ҳар қандай янгилик ворислик асосида шаклланиб тараққий этади.

Ворислик асрлар мобайинида сақланиб, авайлаб асраб келинган ҳозирги давр учун аҳамиятли бўлган маънавий қадриятларнинг ахлоқ ва одоб нормаларини бошқа халқларнинг бу борадаги мероси билан боғлай билишдир. Бунинг учун ёшларда қадриятларни кенгроқ тушуниш, бошқа халқларнинг маданий меросини ҳурмат қиладиган, уларни ўрганишга интилаётган кишиларгина ўз миллий маданиятини юксалтира олади. Бошқа халқларнинг таълим-тарбия борасидаги меросини қанчалик чуқур ўрганмайлик, маънавий камолотимиз негизини миллий мерос ва қадриятлар ташкил этади. Ички руҳий дунёмиз ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг ўзбекона моҳиятини сақлаб қолади.

Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги миллий қадриятларимиз бутун инсоният маънавий-ахлоқий ҳаётида катта ўрин олиши мумкин бўлган маънавий-ахлоқий бойлик ҳисобланади. Жумладан, комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқади. Улар азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришганлардир (Komilov N., 1996:4).Шу учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин. Унинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга нафъ келтирса, ёмонларни туз йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.Ушбу қарашлар гарчи бир-бирига зид бўлиб туюлса-да аслида моҳиятига кўра бир-бирига яқиндир.Аммо ҳикмат аҳли (файласуфлар) ва тасавуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига етиши мумкин. Шайх Азизиддин Насафий “Зубдатул ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар қаймоғи) номли рисоласида: “Одамларнинг сўзлари ва фаолияти учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг сайъ-ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, шунча билми ва мол-мулки ортади”. У камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Биринчиси ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз-

ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар. Иккинчи, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчиси, ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги – учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: “Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади” (Komilov N., 1996:4).

Шу каби миллий-ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш, ёш авлодга уларни ўргатиш мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, одамларда инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари умуминсоний ва шарқона нуфузли фазилатларни қарор топтиришида муҳим омил бўлиб қолаверади. Бу ўринда гап маънавий ахлоқий поклик, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ҳамкорлик ҳамжиҳатлилик, бирдамлик, меҳмондўстлик, хушмуомалалик, оқибатлилик каби миллий ахлоқий, хулқ-одоб қадриятлари устида бормоқда. Аксиологияда ворислик-қадриятлар тизими ва қадрият шакллари ўрнига янгисининг келиши ёки уларда янги хусусиятлар, жиҳатлар ва қирраларни шаклланиши, ўзгариши ҳамда такомиллашувини билдиради, “эскиликнинг мерос қолишини ифодалайдиган диалектик инкор жараёнини англатади”(Nazarov Q., 1998:4). Ҳар қандай даврда ҳам инсоннинг ақлий камолоти билан боғлиқ бўлган яхшилик, дўстлик, тенглик, муҳаббат, бахт-саодат каби маънавий қадриятлар ўзининг аҳамиятини йўқотмайди. Одамлар ўртасида ахлоқий муносабатлар, таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган қадриятлар тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Академик Эркин Юсупов ахлоқий тарбия: “ёшларга миллий мерос ва қадриятларни ўргатиш, инсон омилини фаоллигини ошириш, ҳалол меҳнат қилишга ишбилармонлик ва тадбиркорликка иҳлосмандликни ошириш, миллий ғурур туйғусини тарбиялаш, таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлаш хусусиятлари замонавий таълим тизими билан муштарак бўлган тақдирдагина самарали натижа беради (Yusupov E. Yusupov U. 2013:8) қайд этган.

Ҳар бир авлод қадриятларининг хилма-хил намоён бўлиш шакллари мавжуд. Зеро, хулқ-одоб қадриятларига Ворислик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш-бу миллий тарихий тажрибанинг тажрибанинг фазилатли жиҳатларини ўзлаштириш ва биз учун номақбул унсурларни инкор қилиш демакдир. Ана шундагина биз замон талабидаги характерли шахсларга эга бўламиз.

Шахс – жамиятнинг бир аъзоси. У жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир шахс ўзи яшаган, ёки яшаб турган жамиятнинг аъзоси ва фарзанди. Жамият ва шахс, шахс ва жамият муносабатларининг нозик сир-синоатли томонлари бор. Агарда жамият адолатли бўлса, унга адолат пеша шахс раҳбарлик қилаётган бўлса, жамиятнинг барча аъзолори учун ҳам, алоҳида олинган бир шахс учун ҳам бахтнинг кулиб боққани. Адолатли жамият шахсни шунчаки шакллантириб қўймайди, балки маънавий етук қилиб камол топтиради. Файласуф олим Ибодилла Эргашев: ”... шахс ўз даврининг маҳсули бўлиши мумкин, аммо бу билан у ўз даври ва халқининг дардини ўзида ифодалаш даражасида унга мувофиқ бўла олмаслиги, ёки аксинча, шахс фақат ўз даврининг маҳсули бўлмасдан, уни ҳис этган ҳолда ундан ўзиб кетиши, вақт ва замон ўтиши билан у ўз халқининг, башариятнинг қалбидан тобора чуқурроқ жой олиши ва қолиши мумкин. биринчидан, шахс фаолияти ва дунёсининг инсон эрки, хоҳиш-иродаси, қадр-қиммати билан ўзаро мос тушиши, иккинчидан, шахс ўз фаолиятида айрим гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб эмас, аксинча, инсон, умумхалқ, жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиши, ўзлигини халқидан, унинг тарихи, қадриятлари, орзу-умидларидан ажралмаган ҳолда идрок этиши ва унга ўзини бахшида этиши, учинчидан, шахс фаолиятида мустақиллик, эркинлик, демократик қадриятларга инсоний қадрият сифатида қаралиши, унга амал қилиниши чуқур маъно касб этади” деб таъкидлайди(Ergashev I., 2000:64).Шу ўринда ахлоқли бўлиб етишган шахс ҳам жамиятга катта фойда келтиради. Жамият ва шахс маънавияти ворислик асносида ривожланиб боради. Шахс маънавияти жамият маънавиятининг ўзаги ва асосидир. Инсон жамиятдагина шаклланади, камол топади ва такомиллашиб боради. Хуллас, шахс ва жамият маънавияти узвий бирликда ривожланади.

Жамият ва шахснинг маънавий янгиланиши-покланиши ворислик қонунлари асосида амалга ошади. Ижтимоий ҳаётга ва унда амалга ошаётган ўзгаришларгафаол ижтимоий муносабат, креативлик, фаоллик каби инновацион шахснинг хусусиятларинижамият томонидан қўллаб қувватланишиастасекинбундай хусусиятларни ахлоқий қоида даражасига кўтарилишига олиб келади. Жамиятда юз бераётган инновацион жараёнларга фаолижобий муносабатдастлабиқтисодий-ижтимоий ҳаётда, кейинроқбошқа соҳаларда ҳамахлоқий қоидага, кейинроқ шахснинг муҳим

маънавий-ахлоқий хусусиятига айланиши мумкин. Инновациялар шахснинг қадриятлар тизимидаўзига хос ўрин эгаллаб бориб,инновацион маданият тизимининг ҳам шаклланишига олиб келади.

ХУЛОСА

Юқорида ворислик қонунияти энг мукаммал ижтимоий-маънавий жараён эканини, унинг заминида тараққиётга асос бўладиган зиддиятлар етишини, уларни тадрижий ҳал этиш билан жамият ва шахс камолоти давом этишини таъкидлаб ўтдик. Ворисликдаги зиддият ўтган давр имкониятлари ва янги давр эҳтиёжлари ўртасидаги фарқ билан белгиланади. Ворислик давр талаблари асосида меросга янги мазмун киритиш, унга янги йўналиш беришдир. Ворислик мураккаб жараён сифатида амалга ошади. Агар иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги ворислик тўлалигича англаб етилмаса кўплаб хатолар ва ўпирилишларга йўл қўйилади. Ҳар бир даврга хос бўлган объектив ва субъектив қийинчиликлари ижтимоий онг инерцияси билан биргаликда аҳоли онгига салбий таъсир қилади. Бу муаммолар барча ёшдаги аҳоли онгининг ўзига хос маргиналлигини ажратиб кўрсатиши ва айнан маргиналлик миллий маънавий маданиятни ривожланишига тўсиқ бўлиши билан характерланади. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва қарашлари, қадриятлар мезони сезиларли даражада ўзгарди. Аммо айни чоғда, иккинчи томондан, янги қарашларни, янги қадриятларни тўлиқ ўзлаштириш, яъни уларни ўз эътиқодига, ишлаш ва яшаш меъёрига айлантириш оқсамоқда. Айримлар тафаккури эндиликда эскича ҳам эмас, тўлиқ янгиланган ҳам эмас - оралиқ, маргинал ҳолатда. Маргиналлик айрим шахсларнинг дунёқарашида механик тарзда қоришиб кетаётганида намоён бўлса, масалан авлодлар ўртасида катта авлод онгининг маргиналлиги маълум даражада ёшлар онгига ҳам таъсир кўрсатади. Бу таъсир баъзи бир ҳолларда ниҳоятда мураккаб, зиддиятли тус олиши мумкин. Дунёқараш ва ижтимоий баҳолашнинг аввалги тизимини йўқотган, янги муҳитга кўника олмаган катта авлоднинг айрим вакиллари фарзандлари ва ёшларда аниқ ижтимоий мўлжалларни шакллантиришда, уларни маънавий-эътикодий тарбиялашда қийналиб қоладилар. Натижада оилада аниқ ҳаётий йўл-йўриқ, маслаҳат ололмаган бола дунёқараш ва эътиқод масалаларида чалғиб, сохта қадриятларга мойиллик кўрсатиши ҳеч гап эмас. Маргиналлик кўп ҳолларда ижтимоий пассивликни, лоқайдликни ва жамият ҳаётида вужудга келган қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишни келтириб чиқаради. Айнан тарбия борасида катта авлод вакилларининг маргиналлиги – пассивлиги, лоқайдлиги ёш авлод тарбиясига жуда катта зарар келтириши мумкин. Инсониятнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, одамзод ўзи эришган ютуқларни, тўплаган билимларни келажак авлод-ворисларга мерос қолдира бошлагандан сўнг жамият тараққиёти тезлашади, ўсади ва ривожланади. Аммо фарзанд отаси босиб ўтган йўлни, ундан ўрганган сабоқларни шундайлигича ўзгаришларсиз қабул қилса, у маънавий камол топмайди. Ота сабоқлари фарзанд камолотининг биринчи босқичи халос. Ҳар бир жамиятнинг, даврнинг ўз йўли, имконияти бор. Бу йўлда турли қийинчиликлар мавжуд. Ана шу йўлдаги қийинчиликларни енгиш учун янгиликка интилиш, матонат билан олға босиш керак Бошқаларнинг йўлини айни такрорлаш жиддий хатоликларга олиб келади, ва буни яқин тарих мисолида ҳам кўриш мумкин. Аммо бундан бола ўз отаси меросидан фойдаланмаслиги керак деган хулоса чиқмайди. Инсон ўз ҳаёти давомида умумбашарий қадриятларга айланган меросдан фойдаланади, уни бойитади, узлуксизлигини давом этишини таъминлайди. Демак, ҳар бир авлод ворислик қонунларига бўйсунган ҳолда ўзининг аждодлари ютуқларидан фойдаланади, тарихий шароитга қараб, уларга янгича муносабатда бўлади.

Янгилик модернизация, инновация қонунияти доимо даврнинг ижобий йўналишларинии фодалайди. Янгилик ҳеч қандай тўсиқларга учрамайди, сип-силлиқ, ўз-ўзидан шаклланиб, ўсиб бораверади деган фикр тўғри эмас. Янгининг эски устидан ғалабаси кескин кураш остида амалга ошади. Имконият ва воқелик категориялари янгиликни доимо кўра билиш ва ҳис қила олиш лозимлигини ифодалайди. Янгилик доимо олдинга қараб ҳаракат қилмоғи керак. Албатта, жамият тараққиёти учун зарур бўлган инновациянинг пайдо бўлиши, унинг жамият ривожида тобора муҳим ўрин эгаллаб бориши ҳамда тараққиётнинг асосий омилларидан бирига айланиб бориши объектив қонуниятдир. Тарихга назар ташласак, янгилик(инновация) ҳар доим ҳам тараққиёт омили бўлганига амин бўламиз. Ворислик қонуниятига кўра ижтимоий-маданий ва маънавий соҳада юз бераётган инновацион жараёнларда иккита тенденция кузатилмоқда (Solnit R., Schwartzenberg S., 2002:188). Биринчидан, миллийлик, анъаналарни барқарор омил сифатида сақлаб қолиш бўлса, иккинчидан, янгиликлар(новация ва инновациялар)ни жорий қилинишидаги бирхиллик, унификациядир. Ушбу масалага ҳам ўзига хос қарашлар шаклланмоқда. Масалан, биринчи ёндашувни традиционализмга

ва консерватизмга асослаш, иккинчисини кўпроқ замонавийликка, модернизмга асослаш. Агар фақат тараққиётда биринчи ёндашув устувор танланса, унда жамият кўпроқ ўтмишга, миллий маданият, анъаналар, миллий қадриятларга таянади. Бундай йўналишда миллий хусусиятлар тараққиётнинг асосий тамойили сифатида тан олади. Иккинчи ёндашувда ташаббусни кўпроқ модернизм тарафдорларида қолдириб, миллий ўзаклардан узоқлашувга ҳамда миллий қадриятларни инкор этилишига, замонавий қадриятларни жамият ижтимоий ҳаётига ва ёшларнинг турмуш тарзига жадаллик билан кириб келишига ва буларнинг оқибатида авлодлар ўртасидаги ворисликни қисман йўқолишига олиб келиши ҳам мумкин.

Бу соҳадаги асосий муаммо бу икки тенденцияни уйғунлаштириш ва маданий-маънавий соҳада модернизация ва инновацияларни миллийлик руҳига мос тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўналтириш билан боғлиқ. Чунки миллий менталитет, миллий маданият ва маънавиятга зид келадиган инновациялар мажмуаси умуман миллийликни ривожланишини хавф остига қўйиши ҳам мумкин. Жамиятга кириб келаётган инновациялар миллий қадриятларга путур етказмаса, асрлар давомида шаклланган миллий ахлоқий меъёрларни издан чиқармаса, жамиятда миллий қадриятларнинг кескин трансформациясига олиб келмаса, уларни жамият ва миллий тараққиётга хизмат қилувчи прогрессив инновациялар сифатида эътироф қилиш мумкин. Бу ерда соғлом консерватизм, прогрессив традиционализм ва англанган прагматизмга асосланган тамойиллар орқали жамиятда модернизация ва инновация жараёнларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Авлоний А. (1992) Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.:Ўқитувчи, 1992.
2. Аристотел. (1983) Политика. Соч.: В 4 т. Т.,4. -М.: 1983.
3. Беҳбудий. М. (1999) Танлан ганасарлар. -Т.: «Маънавият», 1999.
4. Бессонов Б.Н. (2006) Гуманизм и духовноеразвитие-общества. Издателство РАГС. - Москва. 2006.
5. Демочко В.Б. (2015) Инновационная личност: модел и условия формирования // Научное сообшество студентов: материалй ВИ Междунар. студенч. науч.-практ. конф. «Интерактив плюс». 2015.
6. Dono, K. (2020). FEATURES OF INFORMATION EXCHANGE ASPECTS IN THE INFORMATION SOCIETY. Ижтимоий фанлар, 2(3).
7. Эргашев И. (2000) Тараққиёт фалсафаси. - Т.: «Академия», 2000.
8. Фалсафа тарихи. (2002) - Т.: “Шарқ”, 2002.
9. Фалсафа: қомусий луғат (2004) (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). - Т.: «Шарқ”, 2004.
10. Грудинин Г.В. (2014) Историческая эволюсия теории инноваций. Вестник ИрГТУ №2. 2014.
11. Исмоилов Ф.Й. (1996) Ижтимоий тараққиётда ворислик. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
12. Kalandarova, D. (2020). FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
13. Комилов Н. (1996) Тасаввуф ёки комил инсои ахлоқи. -Т.: “Ёзувчи”, 1996. Б. 4-13.
14. Matibaeva, Raziya (2019) “SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4 , Article 3. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/3
15. Молостова М.Ю. (2010) Теоретико-методологические основания понятия «инновационное поведение» // Известия Самарского научного сентра Российской академии наук. 2010. № 5.
16. Нажмидинова К.У. (2016) Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни /. – Т.: «Адолат», 2016.
17. Назаров Қ. (1998) Аксиология - қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Маънавият», 1998.
18. Одоб-ахлоқ китоби. (2015) -Т.:”Янги аср авлоди”. 2015.
19. Петров С. Р., Санников Т.Д. (2011) Формирование условий развития инновационной культурй в контексте стратегии модернизации российской экономики // Креативная экономика. 2011., № 2.
20. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).
21. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.
22. Qoraboyev T. (2011) Milliy qadriyatlarimizning jahon e’tirofi // Tafakkur, 2011. – №3.
23. Solnit R., Schwartzenberg S. (2002) Hollow City: The Siege of San Francisco and the Crisis of American Urbanism (New Edition). – 2002.–R.188.
24. Сорокин П. (1992) Человек. Сивилизация. Общество. -М.: Политическаялитература. 1992.
25. Sultonov, A. (2019). THE NEW PHILOSOPHICAL PARADIGM OF CULTURAL DEVELOPMENT. The Light of Islam, 2019(4), 25.
26. Тўраев Б. (2001) Соғлом фикр психологияси ва давлатнинг хавфсизлиги. // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари, 2001, 4-сон.
27. Янги ва энг янг давр ғарбий Европа фалсафаси. (2002) -Т.: “Шарқ”, 2002.
28. Йўлдошев М.М. (1999) Мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараёнида хулқ-одоб маданияти ва сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари. Фалсафа фан. док. дисс.1999.

29. Юлдашева Ф.Х. (2014) Модернизациянинг фалсафий жиҳатлари. // АДУ Илмий хабарнома. 2014. № 4.
30. Юсупов Э. Юсупов У. (2013) Оила – маънавият булоғи. Т, 2013.
31. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS.The Light of Islam,2019(4), 24.
32. Shakarov, O. K. (2018). SPIRITUALITY OF LIDER IN ISLAM LAW.The Light of Islam,2018(1), 8.
33. Fuzailova, Gavhar (2020) «EASTERN THINKERS ON THE PEDAGOGICAL MASTERY,» The Light of Islam: Vol. 2020 :Iss. 2 , Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/19
34. Xujaev, Muminjon Isokhonovich (2019) «HISTORICAL PHILOSOPHY OF AHMED ZAKI VALIDI,»Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1: Iss. 12 , Article 23.
35. Xujaev, M. I. (2015). Nekotorыe osobennosti eticheskix vzglyadov Axmet-Zaki Validova. Credo new, (2-2), 3-3.

REFERENCES:

1. Avloniy A. (1992) Turkiy Guliston yoxud axloq. - T.:O‘qituvchi, 1992.
2. Aristotel. (1983) Politika. Soch.: V 4 t. T.,4. -M.: 1983.
3. Behbudiy. M. (1999) Tanlanganasarlar. -T.: «Ma’naviyat», 1999.
4. Bessonov B.N. (2006) Gumanizm i duxovnoerazvitieobshestva. Izdatelstvo RAGS. - Moskva. 2006.
5. Demochko V.B. (2015) Innovatsionnaya lichnost: model i usloviya formirovaniya // Nauchnoe soobshestvo studentov: materialy VI Mejdunar. studench. nauch.-prakt. konf. «Interaktiv plyus». 2015.
6. Dono, K. (2020). FEATURES OF INFORMATION EXCHANGE ASPECTS IN THE INFORMATION SOCIETY. Ижтимоий фанлар, 2(3).
7. Ergashev I. (2000) Taraqqiyot falsafasi. - T.: «Akademiya», 2000.
8. Falsafa tarixi. (2002) - T.: “Sharq”, 2002.
9. Falsafa: qomusiy lug’at (2014) (Tuzuvchi va mas’ul muharrir Q. Nazarov). - T.: «Sharq”, 2004.
10. Grudinin G.V. (2014) Istoricheskaya evolyusiya teorii innovatsiy. Vestnik IrGTU №2. 2014.
11. Ismoilov F.Y. (1996) Ijtimoiy taraqqiyotda vorislik. - T.: O‘zbekiston, 1996.
12. Kalandarova, D. (2020). FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
13. Komilov N. (1996) Tasavvuf yoki komil insoi axloqi. -T.: “Yozuvchi”, 1996.
14. Matibaeva, Raziya (2019) “SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4 , Article 3. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/3
15. Molostova M.Yu. (2010) Teoretiko-metodologicheskie osnovaniya ponyatiya «innovatsionnoe povedenie» // Izvestiya Samarskogo nauchnogo sentra Rossiyskoy akademii nauk. 2010. № 5.
16. Najmidinova K.U. (2016) Oila tarbiyasida milliy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning o‘rni /. – T.: «Adolat», 2016.
17. Nazarov Q. (1998) Aksiologiya - qadriyatlar falsafasi. -T.: «Ma’naviyat», 1998.
18. Odob-axloq kitobi. (2015) -T.:”Yangi asr avlodi”. 2015.
19. Petrov S. R., Sannikov T.D. (2011) Formirovanie usloviy razvitiya innovatsionnoy kultury v kontekste strategii modernizatsii rossiyskoy ekonomiki // Kreativnaya ekonomika. 2011., № 2.
20. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).
21. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. The Light of Islam, 2020 (1), 110-115.
22. Qoraboyev T. (2001) Milliy qadriyatlarimizning jahon e’tirofi // Tafakkur, 2011. – №3.
23. Solnit R., Schwartzenberg S. (2002) Hollow City: The Siege of San Francisco and the Crisis of American Urbanism (New Edition). – 2002.
24. Sorokin P. Chelovek. (1992) Sivilizatsiya. Obshestvo. -M.: Politicheskayaliteratura. 1992.
25. Sultonov, A. (2019). THE NEW PHILOSOPHICAL PARADIGM OF CULTURAL DEVELOPMENT. The Light of Islam, 2019(4), 25.
26. To‘rayev B. (2001) Sog‘lom fikr psixologiyasi va davlatning xavfsizligi. // Ijtimoiy fikr – inson huquqlari, 2001, 4-son.
27. Yangi va eng yang davr g‘arbiy Yevropa falsafasi. (2002) -T.: “Sharq”, 2002.
28. Yo‘ldoshev M.M. (1999) Mustaqil O‘zbekiston Respublikasi yoshlarini tarbiyalash jarayonida xulq-odob madaniyati va siyosiy madaniyatni shakllantirish muammolari. Falsafa fan. dok. diss.1999.
29. Yuldasheva F.X. (2014) Modernizatsiyaning falsafiy jihatlari. // ADU Ilmiy xabarnoma. 2014. № 4.
30. Yusupov E. Yusupov U. (2013) Oila – ma’naviyat bulog‘i. T, 2013.
31. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS.The Light of Islam,2019(4), 24.
32. Shakarov, O. K. (2018). SPIRITUALITY OF LIDER IN ISLAM LAW.The Light of Islam,2018 (1), 8.
33. Fuzailova, Gavhar (2020) «EASTERN THINKERS ON THE PEDAGOGICAL MASTERY,» The Light of Islam: Vol. 2020 :Iss. 2 , Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/19
34. Xujaev, Muminjon Isokhonovich (2019) «HISTORICAL PHILOSOPHY OF AHMED ZAKI VALIDI,»Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1: Iss. 12 , Article 23.
35. Xujaev, M. I. (2015). Nekotorыe osobennosti eticheskix vzglyadov Axmet-Zaki Validova. Credo new, (2-2), 3-3.